

Фарғона шаҳар
ФХМ томонидан

04.01.2023 йил

№ 43 расмий



Farg'ona shahar
"Markaziy dehqon bozori"
aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг 2022 йил
28 июндаги йиллик умумий
йиғилиши ва кузатув кенгашининг
2022 йил 15 декабрдаги баённомаси
билан



Farg'ona shahar
"Markaziy dehqon bozori"
aksiyadorlik jamiyati
УСТАВИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Farg'ona shahar "Markaziy dehqon bozori" акциядорлик жамиятининг (бундан буён матнда «жамият» деб юритилади мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён матнда «Қонун» деб юритилади), Корпоратив бошқарув Кодекси тавсиялари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган), давлат иштироғидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув Қоидалари тавсиялари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 2018 йил 20 апрелдаги 15-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Farg'ona shahar "Markaziy dehqon bozori" акциядорлик жамияти юридик шахс бўлиб, дастлаб Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрь кунги "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунига асосан давлат тасарруфидан чиқариш натижасида меҳнат жамоасининг ва таъсисчиларнинг 1996 йил 20 апрелдаги умумий таъсис йиғилиши қарори ва Давлат мулкни бошқариш кўмитаси Фарғона вилоят бошқармасининг буйруғига асосан акциядорлик жамияти сифатида ташкил топган. Жамият Фарғона вилоят Адлия бошқармаси томонидан 26.07.2016 йилда 43-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

1.3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни (06.05.2014 й. УРҚ-370-сон) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.4. Жамиятнинг тулик фирма номи:

Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: Farg'ona shahar "Markaziy dehqon bozori" aksiyadorlik jamiyati

кирилл ёзувида: Фарғона шаҳар «Марказий дехқон бозори» акциядорлик жамияти

Рус тилида: акционерное общество Фарғона шаҳар «Марказий дехқон бозори»

Инглиз тилида: JOINT STOCK COMPANY Farg'ona shahar «Markaziy dehqon bozori»

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: Farg'ona shahar «Markaziy dehqon bozori» AJ

кирилл ёзувида: Фарғона шаҳар «Марказий дехқон бозори» АЖ

Рус тилида: АО Фарғона шаҳар «Марказий дехқон бозори»

Инглиз тилида: JSC Farg'ona shahar «Markaziy dehqon bozori»

1.5. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият чекланмаган муддатга тузилади.

1.6. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.7. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тулик ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли.

1.8. **Жамиятнинг юридик манзили:** Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Бозорбоши кўчаси 1 уй. Почта индекси: 150100.

Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили) кадастр маълумотлари бўйича: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Бозорбоши кўчаси 1 уй. Почта индекси: 150100

Жамиятнинг электрон почта манзили: farbozor@mail.ru

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.farbozor.uz

Жамият ўзининг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили узгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

1.9. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида банк ҳисобварақларини очишга ҳақли.

1.10. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

1.11. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.12. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.13. Жамият филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

Филиалнинг ёки ваколатхонанинг раҳбари Жамият томонидан тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик Жамият зиммасида бўлади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

1.14. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Шўъба ҳўжалик жамияти Жамият мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Шўъба ҳўжалик жамиятига мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга Жамият бундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба ҳўжалик жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба ҳўжалик жамияти билан солидар жавобгар бўлади.

Шўъба ҳўжалик жамияти ўз мулкида ўз асосий Жамиятининг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас. Қонунда белгиланган тақим кучга киргунига қадар ўз асосий Жамиятининг овоз берувчи акцияларини олган шўъба ҳўжалик жамияти асосий Жамият Акциядорларининг Умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмас.

Тобе ҳўжалик жамияти ўз мулкида Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас. Қонунда белгиланган тақим кучга киргунига қадар Жамиятнинг овоз берувчи акцияларини олган тобе ҳўжалик жамияти Жамият Акциядорларининг Умумий йиғилишида овоз беришга ҳақли эмас.

1.15. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Жамият, шунингдек нотижорат ташкилотларда иштирок этиши мумкин.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

2.2. Жамият ўз мақсадларига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг куйидаги турларини амалга оширади:

- Аҳолини дехқончилик, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол моллари билан кенг ассортиментда таъминлаш;

- Дехқонларга, озиқ-овқат ҳамда бошқа истеъмол моллари сотувчиларга савдо қилишлари учун зарур маиший шароитлар яратиш;

- Бу соҳада зарур тартибларни ўрнатиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлатнинг бошқа органлари билан ҳамкорликда ҳуқуқ бузарликларга қарши курашни кучайтириш ва таъминлаш;

- Аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган талабларини ўрганиш;

- Бозор ҳудудида жойлашган мулкчилик шаклидан қатъий назар савдо ва бошқа корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг бозорда хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятларига кўмак - ёрдам бериш;

- Бозорда сотилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларни ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг истеъмолчилари манфаатларини муҳофаза қилиш;

- Бозор ҳудудида фуқаролар, корхона, фермер, жамоа хўжаликларидан қишлоқ хўжалиги ва бошқа истеъмол маҳсулотларини харид ва савдо қилиш билан шуғулланадиган савдо-харид корхоналари фаолиятини ташкил этиш;

- Юридик ва жисмоний шахсларга турли хил пуллик хизматлар кўрсатиш;

- Савдо сотиқ умумий овқатланиш, маиший хизмат ва воситачилик фаолияти кўрсатиш шаҳобчалари очиш;

- Чорвачилик ва дехқон чилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш;

- Нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

- Тамаки маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш;

- Яхна ва спиртли ичимликлар билан чакана савдо қилиш;

- Тижорат-воситачилик ва ишлаб-чиқариш фаолиятини амалга ошириш;

- Ишлаб-чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида тўғридан-тўғри ва ўзаро манфаатли хўжалик алоқаларини ўрнатиш юзасидан ишлаб-чиқариш ва тижорат воситачилик хизматларини амалга ошириш;

- Маҳсулот ишлаб - чиқарувчи корхоналар савдо воситачилари (чет эл корхоналарини ҳам қўшиб) билан битимлар, тўғридан-тўғри шартномалар тузиш йўли билан буюртмаларни, хом - ашё етқазиб беришни маҳсулотларни ишлаб-чиқаришга жойлаштириш;

- Бозорларга фуқаролар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи корхоналар томонидан ташкил ий ҳолда юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини оммавий равишда келтириш йўли билан бозор нархларини пасайтиришга қаратилган иқтисодий тадбирларини ўтказиш, узоқ муддатли фьючерс шартномалар тузиш;

- Бозорлар ва ярмаркаларнинг моддий-техника базасини ҳар томонлама ривожлантириш, уларни замонавий ускуналар, ашёлар ва бошқа техник воситалар билан қуроллантириш;

- Иккиламчи ресурсларни тайёрлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқиндиларини оборотга жалб этиш, жойлаштириш - ўраш буюмларини тайёрлаш ва сотиш;

- Тижорат, савдо - харид, савдо воситачилик, фаолияти, дўконларни, савдо уйлари ташкил-этиш ва уларни эксплуатация қилиш;

- Умумий овқатланиш соҳасида турли хизматларни кўрсатишни ташкиллаш, қахвахона (ресторан, бар) лар очиш ва эксплуатация қилиш миллий ва овропча таомларни, салқин ичимликлар, нон-бўлка, қандолатчилик, қишлоқ-хўжалик махсулотларини қайта ишлаш тайёрлаш ва сотиш;

- Инвестиция фаолияти, шу жумладан, хомашё, махсулотлар, экспорт ва импорт қилиш операцияларни, қонунчиликка мувофиқ савдо воситачи операцияларни амалга ошириш;

- Юридик ва жисмоний шахслар манфатларини кўзлаб вақиллик фаолиятини юритиш;

- Маркетинг, реклама, сервис, воситачилик, агентлик, брокерлик хизматларини кўрсатиш;

- Махсулот, фонд, валюта биржалари ва биржадан ташқари оборотларда операцияларнинг барча турларини ўтказиш, қимматли қоғозларни белгиланган тартибда жойлаштириш, чиқариш ва сотиш.

- Жамият хайрия фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга

- Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир.

- Махсус ружсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари жамият томонидан лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ)НИНГ МИҚДОРИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) **10.444.100.000 (ўн миллиард тўрт юз қирқ тўрт миллион бир юз минг) сўми** ташкил қилиб, ҳар бир акциянинг номинал қиймати **1000 (бир минг) сўм** бўлган **10.444.100 (ўн миллион тўрт юз қирқ тўрт минг бир юз) дона** эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга бўлинган.

3.3. Жамиятнинг устав фонди жамият мол-мулкининг Жамият кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

3.4. Жамият устав фонди (устав капитали)ни ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори – 20 487 638 000 (йигирма миллиард тўрт саксон етти минг олти юз ўттиз саккиз минг) сўмлик номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 20 487 638 (йигирма миллион тўрт юз саксон етти минг олти юз ўттиз саккиз) дона оддий акциялардан иборат.

а) Жамиятнинг устав фонди (капитали)ни кўпайтириш

3.5. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.6. Қўшимча акциялар жамият томонидан уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.7. Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

Жамият устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Жамият Устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади.

Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти уша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамият Устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамият Устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Жамият Устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур Уставда кўрсатилган эълон қилинган қўшимча акцияларнинг сони жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

б) Жамиятнинг Устав фонди (Устав капитали)ни камайтириш

3.8. Жамиятнинг Устав фонди (Устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Жамият Устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга ҳақли.

3.9. Жамият Устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамият Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Акциядорларнинг умумий йиғилиши Устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.10. Жамият Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар Жамият Устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва Устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ АКЦИЯЛАРНИНГ НИСБАТИ, ЖАМИЯТНИНГ БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ.

4.1. Жамиятнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардан иборат.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, уша юридик ёки жисмоний шахс акциянинг эгаси - Жамият акциядори деб эътироф этилади.

Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

4.2. Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий акция Жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

4.3. Жамиятнинг оддий акцияларини имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

4.4. Жамият қонун ҳужжатларида назарда тутилган корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган кимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият Кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.

Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

Акцияларга айирбошланадиган кимматли қоғозлар Жамият томонидан жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу кимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

Жамият ўзи жойлаштирган кимматли қоғозлар айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу кимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

V. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

5.1. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган кимматли қоғозларни очик ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

Акцияларнинг очик обунаси фақат ташкил этилган кимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

5.2. Жамият томонидан Жамиятнинг қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий кимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.3. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа кимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкый ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади. Қўшимча акциялар ва бошқа кимматли қоғозларга ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб қўйилади.

5.4. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган кимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархи жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан, агар жамият Уставига ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ кузатув кенгашига бундай ваколат берилган бўлса, кимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа кимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг Устав фонди қўпайтирилаётганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.5. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий кимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади. Акциядор, шу жумладан Акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий кимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.

Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати акцияларни ёки бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларни олишни таклиф этиш тўғрисидаги билдириш эълон қилинган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

Имтиёзли ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият акциядорлари:

Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олинган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларга бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;

жамият Устав фондининг 5 (беш) фоиз улушига эга акциядорларга аудиторлик текшируви ўтказиш ташаббуси билан чиқиш;

Акциядорлар қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Акциядорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва кўзда тутилган ҳолларда ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олиншини талаб қилишга ҳақли.

6.3. Ҳар бир оддий акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

6.4. Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва Жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши Жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

6.5. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

6.6. Акциядор (акциядорлар) даъво аризасини судда кўриб чиқиш чоғида Жамиятдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқиляётган ишга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган барча ҳужжатларни олишга ҳақли, бундан давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ҳужжатлар мустасно.

6.7. Жамият акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

Жамиятнинг акцияларига қонун ҳужжатларида, ушбу Уставда ва акция чиқарилиши тўғрисидаги қарорларда кўзда тутилган тартибда, усулларда ва муддатларда ҳақ тўлаш;

акциядор ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилмаслик;

Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичида эълон қилиши ҳамда Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиш;

Акциядорлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.8. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

VII. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

7.2. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисида қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.3. Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши

акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.4. Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қароридан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Акциядорлик жамияти тузилган шартномага мувофиқ Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачилари орқали дивидендлар тўловини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

7.5. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Акциядор Жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибидан талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендлар жамият томонидан тўланмаган тақдирда, жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

7.6. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

7.7. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

7.8. Жамият:

Устав фондининг ҳаммаси у таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар; агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендлар тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

7.9. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Жамиятда соф фойда ҳисобидан Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида захира фонди тузилади. Жамиятнинг захира фонди ушбу Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорида ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

8.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

8.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ Жамиятда бошқа фондлар ташкил этилиши мумкин.

8.4. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

IX. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

9.1. Жамият бошқарув органилари: - акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Коллегиал ижроия органи – бошқарув ижро органи.

X. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш ва ўтказиш тартиби, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

10.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили одатда июнь ойда ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

10.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

10.4. Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган давр мобайнида жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Қонун ва жамиятнинг Устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак, Жамиятнинг имтиёзли акциялари қонунга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда қонуннинг акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

10.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

жамиятнинг Устав фонди (капитали)ни кўпайтириш;
жамиятнинг Устав фонди (капитали)ни камайтириш;
ўз акцияларини олиш;
жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни урта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;
жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
жамият Кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгаши аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳаражатларнинг ўрни қопланиши учун ҳақ ва тўловларнинг миқдорини белгилаш;
жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ ва компенсацияларни миқдорини белгилаш;
жамиятнинг бошқарув раиси ва ижроия органи аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли;
корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;
ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
жамиятнинг жорий ҳужалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;
ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини Кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;
электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц - алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш ҳаражатини қоплаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамият Кузатув кенгаши тавсияси асосида жамиятнинг соф фойдаси ҳисобидан жамиятда ишловчи ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

10.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

10.7. Жамият акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

10.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамият Ижроия органига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

10.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Жамият акциядорининг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

10.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга.

10.11. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори, йиғилишда иштирок этаётган жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади, қонун ҳужжатларида ва Уставда қарор қабул қилиш учун овоз бериш белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

10.12. Қуйидаги масалалар бўйича қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

Жамият Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун

хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар тузиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда жамият томонидан аффилиланган шахс билан битимларни маъқуллаш.

Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият Устав фондидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

10.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларида акциядорлар эътиборига етказилади.

10.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 21 (йигирма бир) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан иштирок эта олиши мумкин бўлмаган акциядорлар учун жамият электрон овоз бериш йўли билан (электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш воситасида), шунингдек умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш йўли билан имкониятини тақдим этади ва шунга шароит яратиб беради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш чоғида умумий йиғилишда, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятини берадиган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва масофадан туриб электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

10.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамият кузатув кенгашининг директор (бошқарув раиси), ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг Уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси киради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилатганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

Акциядорларга берилиши лозим бўлган ахборотдан (материаллардан) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунигача қадар ва уни ўтказиш вақтида фойдалана олиш имконияти тақдим этилади.

10.18. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугагандан кейин 120 (бир юз йигирма) кундан кечиктирмай, жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга, фойда тақсимоти, ҳамда жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

10.19. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссияси талабига кўра, шунингдек талаб тақдим этилган санада жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизга эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби билан ўтказилади.

10.20. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

10.21. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чакирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга қўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

10.22. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

10.23. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали ёки ахборот - коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади.

Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият Кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи шахсга шундай шахс ҳисобидан ўзи тўлдирган бюллетень нусхасини олиш имкони берилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз берилганда овоз бериш бюллетенларидан фойдаланилмайди. Бунда овозга қўйилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги акциядорни акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатга олишда фойдаланиладиган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

10.24. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси (раёсат) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

10.25. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар жамият акциялари ва бошқа қимматли қозғалар фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

XI. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

11.1. Жамият Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Жамият Кузатув кенгаши қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низомга мувофиқ иш юритади.

11.2. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат. Кузатув кенгаши аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият акциядорларининг умумий

йиғилиши қарорига асосан уч йил муддатга сайланадилар.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаш тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

Жамият Кузатув кенгаши таркибига қонун ҳужжатлар талаблари ва Корпоратив бошқарув кодекс тавсияларига мувофиқ биттадан кам бўлмаган (аммо ушбу Уставда кўзда тутилган Кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритилади (сайланади).

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига талаблари Қонун ва Корпоратив бошқарув Кодекси билан белгиланади.

11.3. Кузатув кенгаши жамиятнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилайди;

Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

➤ жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

➤ акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

➤ акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

➤ акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

➤ умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини ҳамда умумий йиғилишга қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

➤ умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини белгилаш;

➤ овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини тасдиқлаш;

➤ акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этиш ва овоз бериш тартиби белгилаш;

➤ жамият Уставининг 10.5 - бандида кўрсатилган масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

➤ мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

➤ жамиятнинг бошқарув ижроия органи аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

➤ корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

➤ жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мулжалланган бизнес-режаси жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

➤ ижро органи томонидан ишлаб чиқилган жамият ходимлари штат жадвалини тасдиқлаш;

➤ ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

➤ ҳар чорак молия-ҳўжалик фаолияти ва бизнес режа параметрлари бажарилиши яқунлари бўйича ижро органининг ҳисоботларини эшитиб бориш;

➤ жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

➤ аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан

мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

➤ дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

➤ жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

➤ жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

➤ жамиятнинг шўъба ва тобе ҳужалик жамиятларини ташкил этиш;

➤ қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

➤ аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

➤ қонунчиликда белгиланган ҳолларда жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ жамият ижро органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

➤ жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

➤ ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш;

➤ Кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

➤ тармоқ хусусиятининг ўзига хослиги, рақобат муҳити таҳлили, экспортга йўналтирилганлик ва тегишли соҳа, тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиққан ҳолда Жамиятнинг 5 йилдан ортиқ бўлган давр учун узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишни ташкил қилиш ва акциядорларнинг умумий йиғилишга тасдиқлаш учун киритиш;

10,522 қарор
➤ жамиятнинг Устав фондиди кўпайтириш, шунингдек жамият Уставига жамиятнинг Устав фондиди кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

➤ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

➤ корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

➤ жамият ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш, шунингдек ижроия органига тўланадиган рағбатлантириш тўловларининг миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги

207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш;

➤ жамиятнинг йиллик бизнес - режасини тасдиқлаш;

Жамият Кузатов кенгаши ваколат доирасига қонун ҳужжатларига, ушбу Уставга ва акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатов кенгаши тўғрисида»ги Низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

Жамият Кузатов кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

11.4. Жамият Кузатов кенгаши жамиятнинг бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинладиган жамият бошқарув раиси ҳамда коллегиял ижро органи аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият Кузатов кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

11.5. Жамият Кузатов кенгашининг аъзолари қонун ҳужжатларида ва жамият Уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Жамиятнинг Кузатов кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Жамият бошқаруви раиси ва аъзолари, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг Кузатов кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг Кузатов кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Жамият Кузатов кенгаши таркибига сайладиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқладиган «Кузатов кенгаши тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилади.

11.6. Жамият Кузатов кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

11.7. Жамият Кузатов кенгашининг раиси Кузатов кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатов кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

Жамият Кузатов кенгаши ўз раисини Кузатов кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

Жамият Кузатов кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатов кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади, Жамият бошқаруви раиси билан меҳнат шартномасини имзолайди.

Жамият Кузатов кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатов кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

11.8. Жамият Кузатов кенгашининг мажлиси Кузатов кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият Кузатов кенгаши, Тафтиш комиссияси, жамият бошқарув раиси ва аъзолари ҳамда жамиятнинг оддий акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) талабига кўра чақирилади.

Жамият Кузатов кенгашининг мажлисини ўтказиш учун жамият Кузатов кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамият Кузатов кенгаши аъзоларининг сони жамият Уставида назарда тутилган

миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият бошқаруви раисинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

11.9. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларида, жамият Уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Қуйидаги масалалар бўйича қарор жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади:

Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият Уставига жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш;

Жамият томонидан йирик битимлар тузиш;

Жамият томонидан аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш.

11.10. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

11.11. Жамият Кузатув кенгашининг ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича Кузатув кенгашининг мажлисларидан ташқари бошқа мажлис қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.12. Мажлисда Кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

11.13. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгашининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот - коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок этадиган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

11.14. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, мазкур қарор ҳақидаги ахборот Ижроия органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

11.15. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутипи лозим. Улар

қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

ХII. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

12.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик жамият бошқаруви – коллегиял ижроия органи (ижроия органи) ва унинг раҳбари (Бошқарув раиси) томонидан амалга оширилади. Жамият ижро органи аъзолари уч йил муббатга акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан сайланадилар.

12.2. Ижроия органи жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

12.3. Ижроия органи раҳбари (Бошқарув раиси) акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

12.4. Ижроия органи раҳбари ва аъзолари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади (тайинланади). Ижроия органи аъзолари билан меҳнат шартномасини жамият номидан Кузатув кенгаши раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

Ижроия органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

12.5. Ижроия органи ва унинг раҳбарига (Бошқарув раиси) тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

Бунда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона рағбатлантириш сиёсати асосида ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлари миқдори Кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тўловлар миқдоридан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари таъқиқланади.

Бошқарув раиси ва ижро органи аъзоларига тўланадиган чораклик мукофот миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207–сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

12.6. Ижроия органининг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

- Акциядорлар вакили сифатида иштирок этаётган ижроия органи аъзолари ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз беришда иштирок этмайди.

12.7. Ижроия органи акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

12.8. Жамият ижроия органи аъзолари 5 (беш) кишидан иборат. Жамият бошқарув аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига асосан уч йил муддатга сайланадилар.

12.9. Жамият ижроия органи (бошқаруви)нинг мажлисида баённома юритилади. Жамият ижроия органи (бошқаруви) мажлисининг баённомаси Кузатув кенгашининг ва Тафтиш комиссиясининг аъзолари талабига кўра уларга берилади.

Жамият ижроия органи (бошқаруви) мажлисларини ўтказишни бошқарув раиси ташкил этади, у жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда жамият бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди.

12.10. Ижроия органининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш, ишдан бўшатиш;
- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;
- ходимлар мансаб йўриқномаларини тасдиқлаш;
- жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;

- жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки узаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизгача ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

- Мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар Устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларни (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда ушбу корхоналар Кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузиш;

- асосий воситаларини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш;

- жамият фаолиятининг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- маркетинг тадқиқотларни ўтказиш;

- жамиятда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил қилиш;

- жамиятнинг бизнес-режаларини ишлаб чиқиш;

- жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- жамият томонидан таъсис этилган шўъба ва тобе корхоналарини кўрган даромадлар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

- ҳомийлик кўрсатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш. Бунда ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 (уч) фоизидан ошмаслиги лозим ҳамда бу харажатлар жамият бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади (бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно);

- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикасидаги турли хил байрамлар муносабати билан жамият ишчи-ходимларига пул мукофоти, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа шаклдаги рағбатлантиришлар (совғалар) бериш тўғрисида буйруқлар чиқариш;

- жамият акциядорларининг арз ва эътирозларини кўриб чиқиш;

- жамиятга суд даъволари тақдим қилиниши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

- жамият кундалик фаолиятининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларини кўриб чиқиш;

- жамиятнинг ижроия органи бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12.11. Ижроия органининг мажбуриятлари:

- жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

- ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

- акциядорларнинг умумий йигилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

- акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборотларни олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш;

- жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим

этилишини таъминлаш;

- жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари Устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланишни фақат кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

- Устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган жамиятлар кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини “E-auksion” электрон савдо платформасидаги ижарага берилишини таъминлаш;

- жамият мулкани бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар Устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кузатув кенгаши билан келишиш

Жамият ижроия органига Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилмаган ҳолларда қуйидагилар тақиқланади:

- жамиятнинг асосий фаолиятига хос бўлмаган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш;

- рақобат ривожланган соҳада асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш;

- жамиятнинг асосий фаолиятига хос бўлмаган хўжалик жамиятлари устав капиталида иштирок этиш ёки ундаги улушни сотиб олиш.

12.12. Ижроия органи раҳбари (Бошқарув раиси)нинг ваколатларига қуйидагилар кирди:

- мазкур Устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали, ваколатхонаси, шўъба ёки тоъбе жамияти раҳбарини тайинлаш;

- жамият Кузатув кенгаши тасдиқлаган штат жадвалига асосан ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- жамият ижро органининг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- турли хил байрамлар муносабати билан жамият ишчи-ходимларига пул мукофоти, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа шаклдаги совғалар бериш тўғрисида буйруқлар чиқариш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

12.13. Жамият бошқарув раиси (ижроия органи раҳбари)нинг, жамият бошқаруви (ижроия органи) аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, ушбу уставда ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан уч йил

муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият бошқарув раиси билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йигилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

12.14. Ижроия органи раҳбари (Бошқарув раиси)нинг ҳуқуқлари:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;

- жамиятнинг банк ва бошқа молиявий ҳужжатларига биринчи имзолаш ҳуқуқи билан банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақлар очиш;

- жамиятнинг мижозлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва корхоналар билан битимлар ва шартномалар тузиш;

- жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этиш;

- жамиятнинг асосий воситаларини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш;

- ходимларнинг штат жадвалини белгилаш ва тасдиқлаш;

- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жамият ходимларига иш ҳақини (барча турдаги устамалар ва меҳнати билан *иштирок* этиш *коэффициентлари*) ва мукофотлар миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

- жамият номидан ишончномалар бериш;

- жамият таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув органларида унинг вакиллари жамият номидан овоз бериш бўйича кўрсатма бериш;

- жамият ҳужалик таваккалчилигини ва бошқарув раиси ва ижро органи аъзоларининг жавобгарлигини суғурталашни амалга ошириш;

- жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатига кирувчи ички меъёрий ҳужжатлар бундан мустасно;

- турли хил байрамлар муносабати билан жамият ишчи-ходимларини ижтимоий – иқтисодий жиҳатдан қўллаб қувватлаш мақсадида пул мукофоти, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа шаклдаги беғараз тарзда совғалар бериш тўғрисида буйруқлар чиқариш;

- жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- жамиятнинг шўъба ёки тоъбе жамияти раҳбарини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш ;

- ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ битимлар (умумий киймати қарор қабул қилинган санада Жамият соф активларининг 15 фоизигача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир қанча битимлар) тузиш;

- битимлар, шу жумладан кредит ва қарзлар олиш шартномалари, лизинг шартномалари тузиш ва қонунчиликда рухсат этилган, битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш санасида Жамият соф активларининг 15 фоизи доирасида бошқа молиявий операцияларни амалга ошириш, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколатига киритилган битимлар бундан мустасно;

- қонунчиликда, жамият уставида ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларларни амалга ошириши ҳам мумкин.

12.15. Ижроия органи раҳбари (Бошқарув раиси)нинг мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- бошқарув раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

- давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;

- давлат ва жамият учун муҳим бўлган ахборот ва масалаларни ўз

- расмий ижтимоий саҳифаларида ошкор қилиш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш, уни ишончлигилигини таъминлаш, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида белгиланган тартибда тақдим этиш;

- ҳар чоракида йиллик бизнес-режанинг бажарилиши, жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ҳисоботи тўғрисида Кузатув кенгашига ҳисобот бериш;

- жамиятнинг молиявий-ҳужалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (жамият уставида тафтиш комиссиясини тузиш назарда тутилган ҳолларда) ёки жамият аудитори талабига қўра тўсиқларсиз белгиланган тартибда тақдим этиш;

- жамият ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақланишини таъминлаш, шунингдек тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини Кузатув кенгаши томонидан белгилашни ташкиллаштириш;

- жамиятни ихтисослашган ходимлар билан таъминлаш, шунингдек ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

- ўзининг ҳамда жамият мансабдор шахсларининг ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали малакасини оширишни таъминлаш;

- меҳнат ва ички тартиб интизомига риоя қилиниши таъминлаш;

- ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаш;

- жамоа музокараларида ижроия органи вакилларининг иштирокини таъминлаш, жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва жамиятнинг Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- агар, жамият томонидан битим тузилишида у аффилиланган шахс ҳисобланган тақдирда, кузатув кенгашини хабардор қилиш;

- жамият мулкани бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кузатув кенгаши билан келишиш;

- жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш

ёки куриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланишни фақат кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

- устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган жамиятлар кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини “E-auction” электрон савдо платформасидаги ижарага берилишини таъминлаш;

- жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;

- жамият томонидан туланадиган солиқлар ва бошқа турдаги туловлар бюджетга ўз вақтида тушишини таъминлаш;

- Кузатув кенгаши билан узоқ муддат (30 кундан кўп) давом этадиган хизмат сафарларини ва таътиллاردан фойдаланиш вақтини келишиб олиш. Бошқарув раиси узоқ бўлмаганда унинг вазифаларини бажарувчи шахс тўғрисида кузатув кенгашини хабардор қилиш;

- жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, жамият Устави, мазкур Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

- ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

12.16. Жамиятнинг Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра ёки жамият кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.

- бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) ёки жамият ижро органи аъзоларини тайинлаш танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

- акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра ёки жамият кузатув кенгаши қарорига кўра, бошқарув раисини ёки ижро органи аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин.

12.17. Ижро органи ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

12.18. Жамият Кузатув кенгаши Бошқарув раиси ва Ижро органи аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

12.19. Бошқарув раиси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили яқунларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

12.20. Ижроия органи ва унинг раҳбари (Бошқарув раиси) мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

ХIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ, БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ ВА БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Ижроия органи раҳбари ва ижроия органи (бошқарув) аъзоларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида корхона манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий туловлар учун ушбу

шахсларнинг субсидиар жавобгарлиги улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларида белгиланади.

13.2. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият Кузатув кенгаши аъзолари, бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

13.3. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамият Кузатув кенгаши аъзоси, Бошқарув раиси ёки Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

13.4. Суд жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзосини, бошқарув раиси ёки аъзосини, шунингдек ишончли бошқарувчи жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув раиси ёки аъзосини, шунингдек ишончли бошқарувчи куйидагилар натижасида Жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

- чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;
- ушбу Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;
- жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

XIV. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

14.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) нафар шахслардан иборат тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ташкил этилиши мумкин.

14.2. Жамият Тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби ва аъзоларига доир малака талаблари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом билан белгиланади

б) Ички аудит хизмати

14.3. Жамият активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўпроқ бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

14.4. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

14.5. Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

14.6. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси

қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб, мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган «Ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширади.

в) Корпоратив маслаҳатчи

14.7. Жамиятда Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади. Кузатув кенгашига ҳисобдор корпоратив маслаҳатчи лавозими ижро органи – жамият бошқаруви штат жадвалида акс этирилади. Корпоратив маслаҳатчини жамият Кузатув кенгаши тайинлайди, у билан меҳнат шартномаси тузади ва бекор қилади, иш ҳақи миқдорини белгилайди. Корпоратив маслаҳатчи жамият Кузатув кенгаши раисига бевосита бўйсунди. Корпоратив маслаҳатчи фаолиятига жамият бошқарувининг аралашувига йўл қўйилмайди.

14.8. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади.

XV. МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАР ҚЎМИТАСИ

15.1 Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

15.2 Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар Жамиятга Жамият Кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

15.3 Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзолари сони 5 (беш) кишидан иборат.

15.4 Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.

15.5 Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг ҳужалик фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

15.6 Миноритар акциядор ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилишига йўл қўйилмайди.

15.7 Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига жамият Кузатув кенгашининг ёки жамият бошқарувининг аралашувига йўл қўйилмайди.

15.8 Жамиятнинг Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган низом, мазкур устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Миноритар акциядорлар қўмитаси тўғрисида»ги Низомга асосан амалга оширади.

XVI. ЖАМИЯТНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРИНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

16.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият бошқарув раисининг зиммасида бўлади.

16.2. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан

тасдиқланган бўлиши керак.

Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилади.

16.3. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

16.4. Жамиятнинг молия йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

XVII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга асосан ҳал қилинади.

17.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

17.3. Ушбу уставда акс эттирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

17.4. Қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги қонун ҳужжатларига ушбу уставнинг ҳолатларига зид келувчи ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, амалдаги қонун ҳужжатлари меъёрлари қўлланилади.

Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

Farg'ona shahar
«Markaziy dehqon bozori» AJ
бошқарув раиси:



Т.Нурдинов